

ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАР

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: Хусаинова М.

Ўтган асрнинг 80 йилларида Ўзбекистонда 33 та музей мавжуд бўлган. 2000 йилда музейлар сони 88 тага, 2010 йилга келиб эса 105 тага етган. Бугунги кунда Ўзбекистонда 134 та музей фаолият кўрсатади. Уларнинг 17 таси тарих, 27 таси ўлкашунослик, 10 таси бадиий, 24 таси мемориал, 8 таси адабиёт, 4 таси аниқ фанлар ва 44 таси бошқа соҳаларга бағишланган музейлар ҳисобланади. Ушбу музейларда ўзбек ва жаҳон халқлари тарихи ва маданиятига доир жами 2.158.400 та турли экспонатлар сақланади.

Дастлабки музейлар (юнонча «мусеён») бундан икки ярим минг йил илгари, антик даврда Юнонистонда вужудга келган. Бу қадим юртда мусеён деб музалар, яъни юнон маъбудалари шаънига табиат қўйнида – тоғ этаклари, дарё ва кўл бўйларида, боғу роғларда барпо этилган масканларга айтилган. Мусеёнлар ибодатхона вазифасини ҳам ўтаган. Ушбу масканларда кўпинча шоирлар, файласуфлар, санъат усталари йиғилишган, гўзал маъбудалар ҳайкаллари уларга илҳом бағишлаган.

Вақт ўтиши билан мусеёнлар йўқ бўлиб кетди. «Мусеён» атамаси эса «музей» сўзи билан алмашди ва XVI асрдан бошлаб, Ғарбий Европада ноёб буюмлар, санъат асарлари сақланадиган жойларга нисбатан айтила бошланди. Олдинлари фақат маълум бир шахслар учун хизмат қилган музейлар аста-секин оммавийлашиб борди ва жамият маданиятининг ажралмас бир қисмига айланди.

XV–XVI асрларда Франция, Англия, Германияда музейлар ташкил этилди. Лондондаги Британия музейи (1753), Париждаги Лувр музейи (1793) ғарбий Европадаги илк омма вий музейлардир. Жаҳондаги энг йирик музейлар асосан XIX асрда пайдо бўлди. Мадриддаги Прадо музейи

(1819), Москвадаги Тарих музейи (1873), Санкт-Петербургдаги Эрмитаж (1852), Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи (1870) шулар жумласидан.

Баъзи манбаларда мамлакатимизда илк музей расман 1876 йилда ташкил этилган Тошкент музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи музейи) деб ҳисобланади. Ваҳоланки ҳозирги музейларга хос коллекциялар, хусусан ноёб қўлёзмалар, миниатюралар ва бошқа санъат асарларини тўплаш Марказий Осиёда илк Уйғониш (Ренессанс) даврига (IX–X асрлар) бориб тақалади. Бухородаги Сомонийлар кутубхонаси, Маҳмуд Ғазнавийнинг сарой кутубхонаси, Хоразмдаги Маъмур академияси ўз даврининг энг ноёб китобларини (шу жумладан, архив ҳужжатларини) тўплаган, бутун Шарққа донғи кетган илмиймаданий марказлар бўлган.

XIV аср охирида Соҳибқирон Амир Темур томонидан ягона марказлашган давлат тузилиши ва Самарқанднинг пойтахт қилиниши бу ерда катта маданий бойликларнинг тўпланишига имкон берди. Амир Темур ўз салтанати пойтахтига қадимий қўлёзмалар, ҳукмдорларга тегишли ёзишма ва элчилик ҳужжатлари, хусусан, мусулмон дунёсининг муқаддас китоби бўлмиши «Усмон Мушафи»нинг (VII аср) асл нусхасини келтирди. Дунёга машҳур Темур кутубхонасини барпо этди.

Унинг севиқли набираси Мирзо Улуғбек ушбу кутубхонани янада бойитди. Темурийзода Шохрухнинг ўғли шаҳзода Бойсунғур мирзо ҳам Ҳиротда ўз даврининг энг бой сарой кутубхоналаридан бирини барпо этди. Бу ерда кўплаб машҳур олимлар, хаттотлар, нафис сурат усталари, рассомлар, зарҳалчилар, муқовачилар ижод қилган. Кутубхонада фақатгина қўлёзмалар тўпланиб, кўчирилмасдан, матн шунослик тадқиқотлари ҳам олиб борилар эди. 1442 йил ушбу кутубхонада Фирдавсийнинг «Шохнома» асари тўла матнда кўчириб ёзилди. Алишер Навоийнинг жуда катта нодир қўлёзмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлганлиги маълум. Бу кутубхонадан тарихчи Хондамир, мусаввир Беҳзод ва бошқа олиму фозиллар фойдаланган.

Афсуски, Россия империясининг юртимизга босқини даврида Қўқон, Тошкент, Хива ва Бухоро шаҳарларидаги масжиду мадрасалар аёвсиз таланиб, улардаги, шунингдек, маҳаллий зиёлиларнинг шахсий коллекцияларидаги минглаб ноёб тарихий ҳужжатлар, қўлёзмалар, китоб ва бошқа осори атиқалар Россия музейларига олиб кетилган. Жумладан, Генерал-губернатор Фон Кауфман фармонида асосан Самарқанд истилосидан сўнг қўлга киритилган халифа Усмон Қуръони шарқшунос А.Л.Кун ташаббуси билан Петербург оммавий кутубхонасига жўнатилади.

Бухоро амирлигида Абдумалик Тўра қўзғолонни бостириш давомида рус ҳарбий экспедицияси Шаҳрисабз ва Китоб бекларидан 97 та ноёб қадимий қўлёзмани олиб кетган. Хивада хон кутубхонасидан 300 га яқин қўлёзма-китоблар мусодара қилинган. Хонликнинг танга пул зарб қиладиган 200 нусха қолипи, бир қанча муҳр, хоннинг тахти, 172 нусха мўғуллар даври тангалари, қўнғиротлар сулолаларига оид тангалардан 3 нусхадан, қўплаб этнографик буюмларни тўплаб империя пойтахтига жўнатишган. Хива хонлигидан таланган қимматбаҳо буюмларнинг катта қисми Россия Эрмитажи, Этнография музейларига топширилган.

Ўтган асрнинг 20 йилларига келиб, Ўзбекистонда турли ихтисосдаги экспозицияларга эга бўлган музейлар ташкил этила бошлади. 1918 йил Князь Романов саройида унинг мусодара қилинган коллекцияси асосида бадий музей, ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат музейи, 1921 йили Эски шаҳар музейи, 1925 йили Ўрта Осиё бюроси партия тарихи институти қошидаги инқилоб музейи ва 1926 йил Ўзбекистон эски шаҳар музейи ташкил қилинди. Совет мафкурачилари ушбу музейлар орқали аҳоли онгига «шаклан миллий, мазмунан социалистик» ғояларни сингдиришни мақсад қилган. Музейлар юртимизнинг асл тарихини эмас, мустабид тузум мафкурасига хизмат қиладиган сунъий тарихни акс эттирган эди. Биргина мақолада бу мавзунини батафсил ёритиш мушкул. Шунинг учун энди истиклол даврига тўхталамиз.

Истиқлол йилларида республика пойтахти, вилоят ва туман марказларида тарихий йўналишдаги қатор янги музейлар ташкил этилди, эскилари таъмирланди, музейларнинг илмий концепцияси миллий ғоя асосида қайта тузилиб, экспозициялари тубдан янгиланди.

1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ташкил этилган Темурийлар тарихи давлат музейи, Термиз археология музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Ҳазрати Имом мажмуасидаги ихчам китоблар музейи халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, миллий ғурурини тиклаши ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида барпо этилган Қатағон қурбонлари хотираси музейининг филиаллари, 2020 йилда пойтахтимизда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган Ғалаба мажмуасидаги «Шоншараф» музейи юртимиз тарихининг ҳали тўлиқ ўрганилмаган саҳифаларини архив хужжатлари, ноёб экспонатлар ва замонавий кўргазма воситалари орқали тўлақонли ёритиб берганлиги билан ташриф буюрувчиларнинг қизиқишларига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, музейлар мозийдан сўзлайди. Зеро, Ўзбекистон музейлари ўзининг фонди, ноёб экспонатлари бўйича дунёнинг аксарият музейларидан асло қолишмайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармоиш, 1998й. 12 январь, Мозийдан садо, 1999 й. №1-2.

2. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи, 1996 йил, 18 октябрь.

3. Н. Н. Хабибуллаев. Ўзбек музейларининг истиқболи. Мозийдан садо. 1999 № 1-2.